

«Халқ сўзи»нинг вилоят мухбирлари хабар берадилар

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 22 сентябрь
чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 188 (2226)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ:

АНЖУМАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда иш бошлаган Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция 21 сентябрь кuni ўз ишнини давом эттирди. Анжуманинг иккинчи кунинда иштирокчилар бир қанча йирик масалалар, жумладан, транспортдан фойдаланувчилар эҳтижини қондириш ва транспорт қатновининг ошиб боришини таъминлаш, мавжуд режа ва дастурларнинг ҳаётга жорий қилиниши ҳамда самарали бошқарув воситасида сармоя жалб қилиш каби йирик масалалар ҳусу-сида фикр алмашди. Ушбу масалаларга бағишланган ундан ортқ мавзуа тинглан-ди.

Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича мавжуд режа ва дастурларни амалга ошириш ҳам муҳим масалалардан биридир. Айниқса, биринчи навбатда Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё ва Кавказ орқали ўтади-ган қисмини тезроқ тиклаш энг самарали ҳисобланмоқда. Мама-лакатимиз ҳудудидида лойиҳа-лаштирилган Андижон-Кўнғирот тезкор магистрели ҳам ушбу йўналишнинг асосий таркибига кирди. Маъ-рузачилар ушбу масалага ало-ҳида тўхталиб ўтди.

Одатда йирик халқаро лойиҳалар катта маблағ талаб қилади. Бу борада самарали бошқарув воситасида йўл қўриқчиларига сармоя жалб қилиш, йўл инфратузилмалари-ни маблағ билан таъмин-лаш масалалари, халқаро мо-лия муассасаларининг бу бо-рада ишлаб чиқатган лойи-ҳалари муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Буюк Ипак йўлини тиклаш шунчаки гоё эмас, балки, яқин кунларда амалга оши-ри аниқ бўлган халқаро даст-тур эканига ишонч тобора ор-тиб бормоқда. Минг йиллар олдин қўм барханлари орла-б узоқ ўзлақларга элган ёлғиз-ёққ карван йўллари XXI аср бўсағасида одамларни яна ўзига жалб қилди. Инсоният яна ушбу қадимий йўлларга эҳтиж сезмоқда. Эҳтиж эса ўз навбатида тараққиётга туртки беради. Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши ҳам сўзсиз минтақа давлатла-рининг иқтисодий ва маданий боғлиқлиги тарихида ҳам қадр топди. Бугунги кунда аёлларимиз озод Ўзбеки-стоннинг порлоқ келажаги учун ҳар жаб-дада фаоллик кўрсатаётган. Жумладан, Қорасув шаҳрида «Ан-Нур» маъсуа-ияти чеklangан жамият раиси, тадбиркор раҳбар Бурозия Исмоилова (суратда) ана шундай юзлаб, минглаб аёллардан бири.



ШИЖОАТ

Мустақиллик йилларида аёлларимиз нафақат она сифатида ардоқланди, балки жамият бунёдкори, ҳаётимизнинг фаол иштирокчиси тарихида ҳам қадр топди. Бугунги кунда аёлларимиз озод Ўзбеки-стоннинг порлоқ келажаги учун ҳар жаб-дада фаоллик кўрсатаётган. Жумладан, Қорасув шаҳрида «Ан-Нур» маъсуа-ияти чеklangан жамият раиси, тадбиркор раҳбар Бурозия Исмоилова (суратда) ана шундай юзлаб, минглаб аёллардан бири.

Ҳозирги кунда жамиятда ишлаб чиқари-лаётган маҳсулотларнинг харидорлари кўп. Бунинг сабаби бор, албатта. Жамоа, энг аввало, буюртмачилар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. 453 нафар хотин-қиз шижоат билан меҳнат қилаётган бу жа-миятда ишчиларга бўлган эътибор ҳам на-мунали ташкил этилган. Ҳар йили 100 дан ортқ ишчи дам олиш масканларида бўлиб қайтмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

АНДИЖОН КУРАНТИ

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳба-ри Зокиржон ҳожи Машрабонинг ташаббуси ва сый-ҳаракати билан барпо этилган Андижон куранти — Бобур соати андижонликларни вақтдан воқиф эта бошлади. Шаҳарнинг Исмоилоб, Мирпўстни, Набба-ҳор, Дўстлик маҳалларида истиқомат қилувчилар айни чоғда оталар чойхонаси, ошхона, савдо растала-рини ўз ичига олган замонавий гузарга ҳам эга бўдил-лар.

Тинчлик, осойишталик ва аҳиллик рамзи саналган мазкур иншоотлар шаҳар чиройига чирой қўшиши билан бирга, аҳолининг кундулик турмуши учун кат-та қулайлик туғдирмоқда.

БАҲОНИ БОЗОР БЕЛГИЛАЙДИ

Бозор конъюктурасини кундулик талаб ва таклиф белгилайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Андижон қорхоналарида тайёрланаётган кўпгина маҳсулотлар харидорлиги билан ажралиб туради. Уларга ички бозордагина эмас, балки хорижда ҳам қизиқиш катта.

Яқинда «Шаҳрихонсув» акциядорлик жамияти ак-цияларидан бир қисми 122,2 минг АҚШ долларига сотилди. Бу қийматнинг ўн фоизи Россиянинг «Агро-вет» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан тўланди. Маблағнинг қолган қисми ҳам шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаб борилади.

«Булоқбоши ипаги» ҳиссадорлик жамиятида ҳам Хи-тоининг «Дзинья Дзин-лу» компанияси билан ўзаро ҳамкорликда қўшма қорхона бунёд этиш ҳақида кели-шиб олинди. Умуман, бу йил вилоятдаги 23 та қор-хонага чет эл сармоясини жалб этиш режалаш-тирилган.

О. ШОДНОАЛИЕВ.

МАҲАЛЛА — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Уйчи туманидаги Ҳўнаёт қишлоғининг «Иттифоқ» маҳалласи аҳолиси тўй ва бошқа маросимларда фуқа-ролар йиғинига қарашли «Дамас» автоматшасидан беминнат фойдаланганидан бўлди. Туманда ўтказилган «Обод маҳалла» қўриқ-танловига голиблик учун му-кофот тариқасида берилган машина бутун улар хиз-матида. Гап шундаки, танлов ҳайати «Иттифоқ» ма-ҳалласида амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкалмақзорлаштириш, спорт майдончаларни барпо этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, намунали хо-надонлар сафини кенгайтириш, маънавий-маърифий соҳасидаги ишларни юқори баҳолаб, фуқаролар йиғи-нини «Дамас» автомашинаси билан тақдирлади.

Қўриқ-танловда фахрли ўринларни эгаллаган «Кес-канёр», «Мирзаварот», Бериуний номли маҳалла фуқа-ролар йиғинлари эса туман ҳокимлигининг пул муко-фотида сазовор бўдилар.

ХОРИЖДА НАМАНГАНЛИК РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Наманганлик мўйқалам соҳиби Ҳайдарали Усмо-новнинг ранг-тасвир соҳасидаги ижоди билан мух-лислар эътиборини қозонган. Унинг бу галли шахсий кўргазмаси хорижда — Туркиянинг Анкара шаҳрида-ги «Ила» галарейсидида ташкил этилди. Анкара жамо-атчилиги, хорижлик нафис санъат ишқибозлари ўзбек рассомининг она-юртимиз, унинг гўзал табииати, меҳ-натсевар кишилари, мустақиллик йилларида эришил-ган туб ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларини томоша қилиб, уларга юқори баҳо бердилар.

Рассомнинг шахсий кўргазмасини уюштиришда «Олтин мерос» жамғармаси ақиддан ёрдам кўрсатди.

Қ. НАЖМИДИНОВ.

ЯНГИЛАНИШ ҲИСОБИГА

Боёвтадги «Турон» ҳиссадорлик жамияти пахта то-залаш қорхонасида вилоятлараро кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёр-гарлик кўрган қорхона «Ўзпахтасаноотсотиш» бир-лашмаси томонидан 384 минг сўм пул мукофоти бил-лан тақдирланди.

«Турон» жамияти бундай натижага фақат дастгоҳ-лар ва жиҳозларни ўз вақтида таъмирлашдан чиқарган-ни учун эмас, балки мавжуд технология жараёнини бутунлай янгиллагани ва қайта қуриб олгани учун эришди.

Гап шундаки, мавжуд дастгоҳлар, машиналар сони қисқартирилиб, барчаси битта бинога жойлаштирил-ди ва бутун бир технологик жараён вужудга келти-рилди. Лекин иш уринлари қисқартирилгани йўқ. Бун-да ички имкониятлардан фойдаланиш кўл келди. Қор-хонада ҳозир иш тўрт сменада ташкил этилган.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАЯНЧИ

Сирдарё вилоятидаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси бу-гунги кунда қаддини ростманга тиклаб олди. Уюшма кўп-лаб иқтидорли, ишбилармон қиз-қувонларни ўз атрофига бирлаштирган.

Бу ерда доимий ишлайдиган бизнес клуб, унинг қошида кредит иттифоқи ташкил этилган. Ишбилар-мон аёллар ҳар ойда иттифоқ хазинасига маблағ ўтқа-зиб туришади. Ана шу маблағ эвазига ўз фаолиятини эндигина бошлаётган тадбиркорлар ўқув қўлланма-лари, йўл-йўриқлар, шунингдек, муайян моддий ёр-дам олиб туришади. Уюшма қошида, шунингдек, қисқа муддатли курслар ҳам очилган. Гилмадўзлик, компю-тер ва инглиз тилини ўрганиш курсларида бутун қўлаб хотин-қизлар сабоқ оlishмоқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ.

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Уш вилоятнинг жануби-да вазиет кескинлигига ту-рибди ва жангарилар тўдалари жанг ҳаракатларини куч-айтирмоқда.

Жангарилар яқинбага ўтар кечаси Қирғизистон ҳудудига ёриб ўтишга кўп марта уринди. Бу ҳақда Биш-кекда бўлиб ўтган Брифинг-да Қирғизистон Республика-си Хавфсизлик кенгашининг котиби Бўлат Жонузоқов маълум қилди. Унинг сўзла-рига қараганда, Боткен тумани-да Газ қишлоғи атрофида жангариларнинг 15 кишидан иборат икки гуруҳи ҳукумат қўшинларини эгаллаб турган жонинг олдинги марралари-ни гранатаметлардан ўққа тур-ган. Жанг уч соат давом эт-

ган. Отишма натижасида ҳуку-мат қўшинларидан бир ҳарбий хизматчи жараҳатланган. Жан-гарилар талафоти тўрт киши-дан иборат.

Уш вилоятнинг Қадамжой туманида яна бир тўқнашув бўлди. Жангарилар ҳукумат қўшинларини гранатаметлардан ўққа тутди. Жангариларнинг иккита ўк ўтиш нуқтаси яқсон этилди, шундан сўнг улар че-кинди.

Чўн-Олойда Қирғизистон-Тожикистон чегараси участка-сида отишма натижасида ҳуку-мат қўшинларидан бир ҳарбий хиз-матчи ҳалок бўлди, тўрт киши жараҳатланди. Ҳукумат қўшин-ларининг разведкачилар рота-си «жангарилар томонидан ми-на қўйилган унсурга дуч келди».

Жангарилар ҳаракатларини таҳлил этиш натижаси улар асосан соат 24.00 дан 4.30 гача 3 кишидан 9 кишигача бўлган гуруҳларга бўлиниб ҳаракат қилаётганини кўрсатмоқда. Сўнги вақтда жангарилар тур-лича чагитиш ҳаракатлари қилмоқда: тунда ҳужум уюш-тирипти, Қирғизистон ҳуку-мат қўшинлари блок постла-рини ўққа тутаяпти, маҳал-лий аҳолидан одамларни та-роғва олмоқда ва улардан жон-ли қўлдан сифатида фойдалан-моқда, миш-мишлар, ваҳима тарқатмоқда.

ШУ СОНГА ХАБАР ШОЛҚОРЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Қорақалпоғистон Рес-публикаси Таштакўпир тумани «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмасига қарашли «Орзу» ва «Жайхун» фермер ҳўжа-ликлари давлатта шולי топшириш режасини ба-жарди. Қабул пунктлари-га юз тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Дех-қонлар ректар бошига яна 20 центнердан шולי топ-шириш, ялли хошлдор-лики 60 центнерга ет-казиш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Воқеа содир бўлган жойда

Ҳали ёз жозибаси барқ уриб турган Сўхнинг бол-га тўла боллари оша Бот-кен туманига қадим қўйи-шингиз биланок кўз ол-дингизда бутунлай бошқа манзара намойён бўлади. Далалар яйдок, чор ат-рофда шамол гулжон ўйнайди. Қишлоқлар хувиллаб қолгандек. Ана

ларнинг тақдирини, эртаси мени жуда ташвишлантира-ди. Жангарилар келмасдан туриб ҳам ҳаётимиз анча қийинлашиб қолган эди. Мана сиз кўриб турган шу далаларга иккинчи йилди-рки, уруғ ташланмайд. Чун-ки бу ерлар асосан Сўх дарёсидан насослар орқали сугориларди. Насослар учун

ладиган Боткен шаҳарча-си каттароқ қишлоқчани қелатади. Кўчаларда аҳоли-дан кўра ҳарбий кийимда-ги кишиларни кўпроқ уч-ратасиз. Қўлига қурол ол-ган қўнгилдилар ҳам ўткинчи одамлару маши-наларга серкаллаб билан боқишади. Туман мамыу-риятининг уч қаватли би-носини асосан Боткен во-қеалари туфайли сафарбар-ликка чақирилган қўнгил-дилар назорат қилишяпти. Уларнинг аксарияти Қад-амжой туманидан келган ўзбек йиғитлари экан.

Биз мамыурият биносини олдида ўзбек йиғити Фах-риддин Мамадалиев билан сўхбатлашдик.

— Қўнгилдилар сафидида хизматга чақирилганимга ўн кундан ошди, — дейди у. — Дастлаб олдинги чи-зиққа ташлашмоқчи эди. У ерда ҳимоячилар етарли экан. Ҳозир мамыурият биносини қўриқлаямиз. Узим Қадамжойнинг Хал-миён қишлоғиданман. Бир томонимиз Миндон, бир томонимиз Водил. Боткен-га қўзғунлар оралабди де-ган хабарини эшитгач, би-ринчилардан бўлиб қўнгилдилар сафига ёзил-дим. Афғонистондаги тажри-банг кўл келиб қолар, деб ўйладим-да. Чунки биз бу ер Қирғизистонники, бу жойлар Ўзбекистонники деб қўйишга қўйишга тур-сақ, сира ярашмайди. Ак-синча, ҳозир ҳаммамиз бир бўлиб умумий хавфга қар-ши курашишимиз лозим.

ЗУММАТДАГИ ШАРПАЛАР

«Халқ сўзи» газетаси мухбири Қирғизистон Республикасининг Боткен туманидан хабар қилади

шунда Боткен воқеалари туфайли кезиб юрган хавф-хатарни ботинан сеза бошлайсиз.

Бизнинг ўй-хаёллари-мизга ҳамроҳимиз — «Қир-ғиз-Телеком»нинг туман-даги вакили Бозорбой Ки-диберганов ойдинлик қи-рипти.

— Мана, иккинчи ой-дирик, юртимизда тинч-лик йўқ. Ҳар кунни тонгни минг хавотир, ҳадик билан қарши оламиз. Ахир, ма-нави (у йўлнинг чап то-нави) у йўлнинг ётан то-ларга ишора қилади) қўялар остида қуролли ки-шилар изғиб юрган бўлса, оғзингиздан томоқ ҳам ўтмас экан. Беш нафар фарзандим бор. Шу гўдак-

МУТААССИБЛИК ФОЖЕАСИ

Инсонга хос икки қусур бир-бири билан узвий боғлиқ. Бир — мутаассиблик, бири — жаҳолат. Улар доимо бирга юради. Жожил одам одатда мутаас-сиб бўлади, ўзининг чала билимини ягона ҳақиқат деб қабул қилади ва бошқаларнинг фикрига тиш-тирмоқ билан қарши чиқмади. Мутаассиблик эса хаммаша жаҳолатдан бошланади.

Терроризм аслида ана шу икки иллатдан куч олади. Улар бор жойда буз-ғунчилик учун қўлай му-ҳит юзата келади. Прези-дентимиз бундан икки йил муқаддам «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт ка-фолатлари» китобида му-таассиблик нақадар хавф-лик эканлигига жамоатчи-лик эътиборини қаратган эдилар. Жумладан, китоб-да шундай сатрларни ўқий-миз: «Афсуски, инсоният тарихида диний оптинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифа-тида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаасси-блик) сифатида фойдаланил-ганлигини кўрсатувчи ми-соллар кўп... Айнан фанатизм иллатига йўлқандан одамлар ёки уларнинг гу-руҳлари жамиятда бекарор-лик тулқинини келтириб чиқаришга қодир бўлади-лар».

Қирғизистон жанубида руй берган воқеалар бу огоҳлантириш нақадар тўғрилигини аниқ-равшан кўрсатди. Хориждаги ҳомийлари мададига таян-ган мутаассиб кучлар тер-роризм йўлига кирдилар. Бирлашган тожик мухоли-фати(БТМ) сафларида қонуний ҳуқуқмат қарши курашган бу жаҳолат бан-далари эндиликда Қир-ғизистон ва Ўзбекистон

ҳудудидида ҳам Тожикистонда-ги каби нотинчлик ва биро-даркушлик рушшини кўз-гашта уринмоқдалар. Қир-ғизистон ҳуқуқдан қўшинла-ридан устма-уст зарба еб, боши берк кўчага киргач, ўлими аҳолини талаш, ўлди-риш, ўй-жойларидан қувғин қилиш билан шуғулланмоқ-далар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик-нинг Қабуллар уйда бўлиб ўтган матбуот анжуманида террорчиларнинг ҳомийлари кимлар эканлиги аниқ фант-лум маълумотлар асосида ай-тиб ўтилади. Ташқи ишлар вазириликнинг Баёнотида таъкидланганидек, «... бу — кўп вақт давомида пухта тай-ёргарлик қўрилган опе-рациядир. Қаниси йўналиш-дан ўттиш олинган ўйлаб қўрилган, зарур қурол-яроғ, анжомлар, шунингдек, ра-диоалоқа билан пухта таъ-минланган тўдалар олдин-дан тузилган».

Албатта, бу «қўзғунлар галаси» осмондан тушгани йўқ. Улар қўшни Тожикис-тоннинг БТМ назорати ос-тидаги ҳудудларидан ўтиб келганлар. Икки ойдан бери ўртадаги алоқа узилган эмас. Жангарилар Тожикистон ҳудудидан озик-овқат, ўқ-дор ва қурол-яроғ билан таъминланмоқдалар, яра-дорларни жунатиб, қўшим-ча куч олмоқдалар. Россия-нинг «Красная звезда» га-зетасида Қирғизистон мудофаа вазири Эсен Топоев билан қилинган сўхбатда бу ҳақда

Қирғизистон жанубида руй берган воқеалар бу огоҳлантириш нақадар тўғрилигини аниқ-равшан кўрсатди. Хориждаги ҳомийлари мададига таян-ган мутаассиб кучлар тер-роризм йўлига кирдилар. Бирлашган тожик мухоли-фати(БТМ) сафларида қонуний ҳуқуқмат қарши курашган бу жаҳолат бан-далари эндиликда Қир-ғизистон ва Ўзбекистон

ҳудудидида ҳам Тожикистонда-ги каби нотинчлик ва биро-даркушлик рушшини кўз-гашта уринмоқдалар. Қир-ғизистон ҳуқуқдан қўшинла-ридан устма-уст зарба еб, боши берк кўчага киргач, ўлими аҳолини талаш, ўлди-риш, ўй-жойларидан қувғин қилиш билан шуғулланмоқ-далар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик-нинг Қабуллар уйда бўлиб ўтган матбуот анжуманида террорчиларнинг ҳомийлари кимлар эканлиги аниқ фант-лум маълумотлар асосида ай-тиб ўтилади. Ташқи ишлар вазириликнинг Баёнотида таъкидланганидек, «... бу — кўп вақт давомида пухта тай-ёргарлик қўрилган опе-рациядир. Қаниси йўналиш-дан ўттиш олинган ўйлаб қўрилган, зарур қурол-яроғ, анжомлар, шунингдек, ра-диоалоқа билан пухта таъ-минланган тўдалар олдин-дан тузилган».

Албатта, бу «қўзғунлар галаси» осмондан тушгани йўқ. Улар қўшни Тожикис-тоннинг БТМ назорати ос-тидаги ҳудудларидан ўтиб келганлар. Икки ойдан бери ўртадаги алоқа узилган эмас. Жангарилар Тожикистон ҳудудидан озик-овқат, ўқ-дор ва қурол-яроғ билан таъминланмоқдалар, яра-дорларни жунатиб, қўшим-ча куч олмоқдалар. Россия-нинг «Красная звезда» га-зетасида Қирғизистон мудофаа вазири Эсен Топоев билан қилинган сўхбатда бу ҳақда

Қирғизистон жанубида руй берган воқеалар бу огоҳлантириш нақадар тўғрилигини аниқ-равшан кўрсатди. Хориждаги ҳомийлари мададига таян-ган мутаассиб кучлар тер-роризм йўлига кирдилар. Бирлашган тожик мухоли-фати(БТМ) сафларида қонуний ҳуқуқмат қарши курашган бу жаҳолат бан-далари эндиликда Қир-ғизистон ва Ўзбекистон

ҳудудидида ҳам Тожикистонда-ги каби нотинчлик ва биро-даркушлик рушшини кўз-гашта уринмоқдалар. Қир-ғизистон ҳуқуқдан қўшинла-ридан устма-уст зарба еб, боши берк кўчага киргач, ўлими аҳолини талаш, ўлди-риш, ўй-жойларидан қувғин қилиш билан шуғулланмоқ-далар.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Туман маъмурияти биносида маъмурият аппарати бошлиғи Ойилбек Шодимонов навбатчилик қилётган экан. Қолган барча раҳбарлар асосан жангарилар босиб олган минтақага яқин қишлоқларга сафарбар қилинибди.

— Боткен воҳаси Қирғизистоннинг энг тинч, осойишта минтақаларидан бири ҳисобланар эди, — дея сўзини бошлади Ойилбек. — Афсуски, ана шу осойишталикка кўз тегдими, икки ойдан бери ҳаловатимиз йўқ. Туманнинг шимолий қисмида рўй берган воқеалардан кўпчилик хабардор. 80 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туманда икки ойдан бери бирор бир кимса мижага қочқани йўқ, десам ишонверинг.

Узига ҳос қўриқхона ҳисобланган Зардоли воҳасининг ажойиб табиати, уйноқи сойлари, энг сара мевалар етишадиган боғлари Қирғизистоннинг фахри эди. Афсуски, ана шу жойлар ҳозирги кунда қуролланган ноқаслар томонидан топталган.

Бизнинг энг оғриқли муаммомиз қочқоқлар бўлиб қолганди. Жангарилар босиб олган ерларда яшайдиган, деҳқончилик қиладиган, қўй-мош боқадиган 5 мингга яқин киши қишлоқларининг қутқусидан хавотирга тушиб, бир кечада иссиқ манзилларини ташлаб кетишди. Сўхлик қардошларимиз уларни ўз сарҳадларига кўчириб олишиб, изат-ҳурмат кўрсатишди. Дастлаб марказдаги ўйингоҳда қочқоқлар учун қодир-шаҳарча тикланган эди. Лекин ҳалқимизнинг яқин бир одади бор. Бошига мусбат тушган кишиларни кўчада қолдирмайди. Шунинг

учун ҳам барча қочқоқларни Чек, Янгиқошқоқ, Қорабоғ қишлоқларининг аҳолиси ўз бағирларига олишди. Айни кунларда 3 мингга яқин қочқоқ юқоридаги қишлоқларда яшайпти.

Шу қочқинларнинг 600 га яқини мактаб ўқувчиларидир. Айни кунда тумандаги 5 та мактаб уч менада ишлашга ўтказилди. Қочқинларнинг фарзандлари тўласича мактаб-

Воқеа содир бўлган жойда

жангариларнинг эса бундай юмушлар билан умуман иши йўқ.

Қочқинлардан бир гуруҳи туманнинг энг олис қишлоқларидан бири — Қорабоғдаги қариндош-уруғлари, танишлариникида истиқомат қилишганди.

Қишлоқ марказида ўзаро гурунлашиб турган 10-15 чоғли одамни учратдик.

зиёд майдон бор. Қишлоқнинг асосий тирикчилиги деҳқончилик билан чамбарчас боғлиқ. Етиштирилган картошка, бугдой ҳосили асосан Боткен, Исфара, Сух бозорларига олиб бориб сотилади.

— Бу йилги ҳосилимизнинг бирор миқолини ҳам йиғиштириб олишга улгурганимиз йўқ эди, — сўхбат-

лани таъкидлади. Боткендан қайтаётганимизда оқшом туша бошлаган эди. Тоғ дараларини тезда зулмат қоплайди. Шунинг учун ҳам кундуз кунни салобатли кўринган тоғлар секин-аста ваҳимали тус ола бошлади. Йўлда ҳайдовчимиз Маҳмуджон тун бўлишига қарамай, машина чироқларини ёқмади. Бунинг сабаби аниқ, Чунки шундоқ тоғлар ортида газандалар изиб юрибди. Қашқирлар эса одатда тунда овга чиқади. Мента ҳамроҳ бўлиб борган ички хизмат ходимлари ҳушёрлик билан атрафни кузатишди. Олис йўл эса кимсасиз. Кундузи аҳён-аҳёнда учраб турадиган йўловчи машиналар ҳам деярли кўринмайди.

Фақат доволон охиби чирорелдан нурафшон Сўх заминига қадам қўйганимизда энгил тин олдик, кўнгилабди ёрғулик инди. Ва шунинг баробарида юртимизга ҳос ажиб воқеанинг устидан чиқдик. Жанговар ҳаракатлар кетатган сарҳадга яқин Лембор қишлоғида Мансуржон уйлантаётган экан. Келинпояша Анорхон эса қирғизистоннинг таҳликали Бурганди қишлоғидан эканлигини эшитиб, ҳар қандай шароитда, ҳатто бўлиб жангарилар кўтқи солиб турганда ҳам ҳаёт давом этвертишга, ҳалқ иродасининг боқийлигига, зулматдаги шарпалар ҳеч қачон воқеликка айланмаслигига иймон келтирдик. Доймо оғиб турбди, юртимиздаги осойишталик, тинчликни эътирозларасимиз, ардоқлашимиз сув ва ҳавода зарурлигини бутун қалбимиз, вужудимиз билан хис қилдик.

Набижон СОБИР, «Жалқ сўзи» мухбири.

ЗУЛМАТДАГИ ШАРПАЛАР

ларга жалб қилинди. Энг муҳими, жиноятчи гуруҳларнинг қутқусидан қочиб келганларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилгани йўқ. Биринчи бўлиб уларга ёрама қўлини чўзган сўхлик биродарларимиздан беҳад миннатдоримиз. Айни кунларда мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларидан хайри ёрдамлари келиб турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочқоқлар билан ишлаш комиссияси, СОРОС фонднинг Қирғизистондаги бўлими беминнат мадад кўрсатишди.

Тинчнинг бузилса, қўлинг ҳам ишта бормади қолар экан. Экин-тикин, дала ишлари ўз ҳолига қолди кетди. Бизда бугдой водийга нисбатан анча эрта экилади. Август ойининг охирида ерга уруғ сепамиз. Афсуски, туманимизда бу иш бир ойда кечиктириб юборилди. Кўни кеча Вужум овул хўжалигида 20 гектар майдонда бугдой экилди, ҳоло. Аҳвол шундай давом этар-вер, келгуси йил ҳосилини бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Қутурган

Хол-аҳвол сўрадик. Уларнинг ақсарий қисми Зардоли қишлоғидан экан. Кўпни кўрган отахонни сўхбатга тортамиз. — Осойишталикдан каттароқ бойлик йўқ экан, — дейди у. — Мана, кўз бошларимизда. Экин-тикиннинг йиғиштириб, қишлоқ учун хашак тайёрлашимиз, томи нарсаи пулга сотиб олиб юришди. Лекин бу бизнинг ишончимизга кириш учун қилган бир ҳийла экан. Кейинчалик... Э, у ёғини гапиргани тилим ҳам бормади.

Айил ҳукумати раисининг ўринбосари Тожибой Тойлоқов уларни инсофга чақириб, яхшиликка келган жойларига қайтишини айтган эди, куппа-кундуз кўни ҳамманинг кўз олдига уни отиб ташлашди. Ҳатто унинг жасадини туғилган қишлоғига олиб келиб, дафи этишга ҳам рухсат этишмади. Ахир, бу муслмончиликнинг қайси таомилига тўғри келади? Учаска нозирининг ёрдамчиси, милиция сержанти Қосимбек Шодибековни эса асир олишиб, номаълум томонга олиб кетишди. Шундан кейин воқеанинг гувоҳи бўлган ва

часи босқинчилар қозони-га тушди экан. Анчадан бери жим ўтирган Назармат ота Жалилов шундай деди: — Биласизми, босқинчилар бир-бири билан тожикча, ўзбекча ва яна қандайдир биз тушунмайдиган тилларда гап-лашадилар. Улар орасида қоп-қора негр ҳам бўлигини кўрдик. Елкасига осиб олган қуролларни кўриб, юрагинг орқага тортиб кетди.

Сўхбат асносида Қосимжон Йўлдошев ўша ерда қолиб кетган онасини елкасида 20 километр масофага кўтариб, қочқинлар қишлоғига олиб келганлигини гапириб қолди. Тўққинчи она бир ўзи Зардолида 10 кундан зиёд истиқомат қилишга мажбур бўлибди. «Онахон билан сўхбатлашайлик», деган тақдиримизга жавобан Қосимжон ака «У кишининг ярасига тўз сепманлар, ҳали ҳам ўзларига келиб олганлари йўқ», деб жавоб қайтарди. Йўлдошлар бўлса, саккиз сотих майдондаги картошкани қавлаб олиш муддати ўтиб кетатганини афсусе би-

лан таъкидлади. Боткендан қайтаётганимизда оқшом туша бошлаган эди. Тоғ дараларини тезда зулмат қоплайди. Шунинг учун ҳам кундуз кунни салобатли кўринган тоғлар секин-аста ваҳимали тус ола бошлади. Йўлда ҳайдовчимиз Маҳмуджон тун бўлишига қарамай, машина чироқларини ёқмади. Бунинг сабаби аниқ, Чунки шундоқ тоғлар ортида газандалар изиб юрибди. Қашқирлар эса одатда тунда овга чиқади. Мента ҳамроҳ бўлиб борган ички хизмат ходимлари ҳушёрлик билан атрафни кузатишди. Олис йўл эса кимсасиз. Кундузи аҳён-аҳёнда учраб турадиган йўловчи машиналар ҳам деярли кўринмайди.

«Туркистон» пахта хирмони

«Туркистон» пахта хирмони

Нарпай туманидаги «Туркистон» хўжалиги пахтакорлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб зафар қўчди. Улар 700 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, қўзланган режани бажардилар.

Далада ишловчилар учун барча зарур маданий-маиший шартнош яратилганлиги, улар билан вақтида хисоб-китоб қилиш йўлга қўйилганлиги, моддий манфаатдорликни оширишнинг барча воситаларидан кенг фойдаланилганлиги муваффақият гарови бўлди.

Миршкорлар галаба манзилга етган бўлса-да, далада терим авжида. Оппоқ бўлиб очилди турган қимматбаҳо хомаёнинг бирор миқолини ҳам қолдирмай йиғиштириб олиш, яъни хирмонини 1000 тоннага етказиш уларнинг азму-қароридир.

Х. ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

МАРРА — 45 ЦЕНТНЕР

Асака туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалиги миришкорлари пахта тайёрлаш буржумта режасини бажарди. Мавжуд 254 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Пахтакорлар яъни ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга қарор қилди.

Шунингдек тумандаги «Ўзбекистон», Бобур номи, «Ўзбекистон мустақиллиги» хўжаликлари ҳам маррага етай деб қолдилар.


К. НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Дустлик туманидаги Хўжам Исроилов номи деҳқон фермер хўжалиқлари уюшмасининг «Зиё» фермер хўжалиги давлатга пахта топшириш режасини туманда биринчилардан бўлиб бажарди. Бу фермер хўжалик 25 гектар пахта майдонидан 30 центнердан ҳосил кўтариб, режадаги 68 тонна ўрнига 75 тонна пахта ҳосили олди.

Айни пайтда фермер хўжалиги далаларида пахта мўл. Хўжалик бошлиғи Зайдулла Яҳёев (суратда) ҳосилдорликни гектардан 45 центнерга етказиб, «оқ олтин» хирмонига 100 тонна пахта топшириш ниятида сидқилдан меҳнат қилмоқда.

Баҳром ТУРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



«Пахта-99»

бунда модом алоқаси орқали хўжаликлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, солиқ идоралари, статистика ташкилотлари ва табиийки, банклар билан тезкор ва яқин алоқанда бўладилар.

Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ана шундай ахборот тизими аллақачон юзга келган. Уч компьютерни бошқараётган хисобчиларнинг энгил ҳаракати билан бир лаҳзада ширкатнинг нафақат кечаги ва бугунги кўни, балки узоқ ва яқин истиқболлари

аскарият туманларида бўлиб, илгор тажрибалилари иштиёқ билан ўрганишди. Компьютерлар ёрадамида, модом алоқаси воситасида хисоб-китоб ишларини юритиш бўйича махсус дастурларни ўзларининг иш жараёналарида қўллашга аҳд қилишди.

Бугун вилоят пахтазорлари, шолчиқлари ҳамда лавлагли даладиларида ишлар қизган. Ҳосил йиғим-терими авж олмақда. Буларнинг ҳаммаси кунба-кун, ҳар бир пудратчи, бригада, хўжалик бўйича рақам ва курсаткиларга

цеклар бунёд этиш йўлидаги ишларга унинг амалий ёрдами сезиларли бўлмақда. Бошқарма ўзи хизмат кўрсатаётган ташкилот ва хўжаликларнинг иш ҳақиқдан вақтида туламаган қарзларини узиштига ҳам яқин маддакор бўлмақда. Ана шу мақсадда ўтган ойда йиғирма саккиз ташкилотга олтинчи ўн миллион сўм миқдорда қисқа муддатли кредитлар берилди. Бир юз ўттиз икки миллион сўмлик иш ҳақиқдан қаралар дебитор қарзларини ундириш хисобига туланишига эришилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор иқтисодини чуқурлаштириш ва иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида олдинда жуада катта ишлар турибди. Вазирамиз фақат кредит ажратилган иборат эмаслиги аён. Деҳқон ва фермер хўжалиқларига, қишлоқларда ташкилот этилатган қорхоналарга яқин маддакор ва ҳамкор бўлиш ниятидами. Умуман олганда, қишлоқ хўжалик ходимлари «Пахта-банк»ни ўзларининг ишонч ва таянч марказларидан бири сифатида хис этишларига интиляптими, — дейди бошқарма бошлиғи Азимбой Тангирбердиев.

«Пахта-банк» бошқармасига вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси яқиндан ёрама кўрсатаётганлигини алоқанда таъкидлаш уринди. Бир-бирига уйғун ҳаракатлар ўзининг юқоридати сингари ижобий натижаларини бермоқда.

С. АВАЗ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Жамоа хўжалиқларида чўт соққаларини тинмай у ёндан бу ёнга суриб ўтирадиган хисобчиларни ким кўрмаган. Уларга ҳам осон эмаслигини бир қарашда аниқлаб олиш мумкин. Ахир хисоб-китоб қанд эмас. Бир нотўғри рақам бутун бир жамоанинг хисобот ишларини чалқаштириб юбориши турган гап.

Боготдаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида илгари саккиз хисобчи бутун йил давомида ишта муқассадан шунинг ўтирарди. Шунда ҳам улар илдиқ хисоботни қамда бир-икки ойсиёз удалай олишмасди. Ўттизга яқин қайда дафтарларини тулдирарди, жуада кўп вақт сарфланарди.

Ўтган йил апрель ойида хўжалик ҳисобхонаси компьютерлашди-ю, ҳамманинг кўзи ялт этиб очилгандай бўлди. Ахир энди атиги уч хисобчи ҳам барча ишларни бамайлихотир, шошилмасдан ва ортиқча таравуладариз бажариб улуришадиган бўлиб қолди. Йиллик хисобот, ишонмасими, бешинчи январга тайёр бўлди.

Ширкат кўрган иқтисодий нафий айтмайсизми? Нақ ярим миллион сўмдан зиёд.

— Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг бориши ёмон эмас, — дейди хўжалик бош хисобчисининг ёрдамчиси Абдулла Отажонов, — лекин бизнинг иш улуғимиз эскича эди. Чўт қоқиб хисоб-китоб юритиш эндиликда талабларга жавоб бермай қўйганди. «Пахта-банк» мутахассисларига минг раҳмат. Улар бизнинг мушкулликларни осонлаштиришди. Хисобчиларнинг миннатдорчилик билдириганича

бор, «Пахта-банк»нинг вилоят бошқармаси хўжаликлар ҳисобхоналарини компьютерлаштириш юзасидан қисқа фурастарда ташаббускорлик ва фаоллик билан амалий чора-тадбирлар кўрди.

Албатта, янгилик ўз-ўзидан ҳаётга синиб кетди, деиши қийин. «Отамдан қолган чўтдан қўймагин» дегувчи,



эскича фикрлайдиган хисобчилар ҳам топилди. Банк ходимлари бунга жавобан ўзлари ҳар томонлама қафолат берган компьютерда хўжаликнинг барча аъзоларига доир хисоб-китоб маълумотларини бир лаҳзада тайёрлаш мумкинлигини амалда кўрсатишганда, улар янгиликка ишона бошлади. Бу қарашда мурасабдек туролган электрон техника воситаларини бошқариш қийин эмаслигини ҳис этганларидан эса «ўзидан хавфи бор» ходимларнинг муносабатлари ҳам тубдан ўзгарди.

Бошқарманинг компьютерлаштириш ва дастур таъиноти бўлими бошлиғи Отабой Отамуратов ҳамда Қарима Хўжаеваларни бугун вилоятнинг барча қишлоқларида яқин билишларининг сабаби ҳам шунда. Улар ўтган йили ақсарият жамоа ва ширкат хўжалиқларида компьютерларни ўрнатитиш ҳамда хисобчиларни ишлашга ўратитишда

фаоллик кўрсатишди. Айниқса, туманлар марказларида олиб бориладиган маляка ошириш ўқувлари самарали бўлди. Аввалга электрон дунёсининг сирли оламига синиб кетишга ҳайиқиб турган хисобчилар, кейинчалик ундан нари кетмайдиган бўлишди.

Хўжалиқларнинг компьютерлаштириш

бунда модом алоқаси орқали хўжаликлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, солиқ идоралари, статистика ташкилотлари ва табиийки, банклар билан тезкор ва яқин алоқанда бўладилар.

Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ана шундай ахборот тизими аллақачон юзга келган. Уч компьютерни бошқараётган хисобчиларнинг энгил ҳаракати билан бир лаҳзада ширкатнинг нафақат кечаги ва бугунги кўни, балки узоқ ва яқин истиқболлари

аскарият туманларида бўлиб, илгор тажрибалилари иштиёқ билан ўрганишди. Компьютерлар ёрадамида, модом алоқаси воситасида хисоб-китоб ишларини юритиш бўйича махсус дастурларни ўзларининг иш жараёналарида қўллашга аҳд қилишди.

Бугун вилоят пахтазорлари, шолчиқлари ҳамда лавлагли даладиларида ишлар қизган. Ҳосил йиғим-терими авж олмақда. Буларнинг ҳаммаси кунба-кун, ҳар бир пудратчи, бригада, хўжалик бўйича рақам ва курсаткиларга

Table with exchange rates for Uzbekistan Republic Central Bank. Columns include currency names and rates.

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 21 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қийматини белгилади: %

Table with exchange rates for various currencies like Australia, Austria, etc.

DENTA-PLUS advertisement for dental services. Includes text about quality and contact information.

Advertisement for 'BIZ' (Business) services, mentioning 'UZBEKISTONDA TANKO'.

Advertisement for 'BROKAUDIT' (Audit) services, mentioning 'BIZNES ADVOKAT'.

Advertisement for 'TO' (To) services, mentioning 'MAJLASH VA KUM'YUVISH ZAVODI'.

Advertisement for 'KORXONA RAQBARLARI DIQQATIGA' (Attention to factory managers).

Advertisement for 'TASHKILOT PUL UTKAZISH IYULI BILAN' (Organizational loan with discount).

ОНА БИЛАН БОЛА...

Оилада ота моддий неъматни яратмайди. Ота эса маънавиятни. Эра муомаладан тортиб, бола тарбияси, келас-кетган кимга муамала, меҳмон кутими, меҳмонга боғиш, кўни-кўни, қариндош-уруғлар орасида борди-келди, меҳр-оқибат ишларини боғиш, булар бари она — аёл ишлари. Буни рўзгор илми, дейдилар. Бу виллодан-виллода ушиб келадиган, аёлини елкасига масвудат қилиб юкатиладан бир савоҳитлар. Бу бозордан икки елкаси юк ортбп уяга ташими, 2 лой қориб иморат солиш билан тенг иш эмас. Бу аёлиниги тиш-забони, хулки-атвори ва илми, иймон-этиқоди, яни фозил-қомиллиги билан ба-жариладиган ишлардир. Шунинг учун, жамият маънавия-тининг асосини аёл маънавияти ташкил қилади, десак муволажа бўлмас.

Не-не аёллар бор. Гарчи олий маълумотли бўлмаса-да, аммо, маънавияти юк-сак, негаки, уларга қомил-лик ота-оналаридан юққан. Рўзгор илмида уларга тенг келадигани йўқ, муомалами, кишига иззат-иқроми шун-дай урнига қўйиб қўядилар-ки, юртва энг таниқди аёл-нинг ҳам унга ҳаваси кел-май илоҳи йўқ.

ХОНАДОН ҲАЛОВАТИ — БУ ЭРКАКНИНГ КАЙФИЯТИ, БУ БОЛАННИНГ КАЙФИЯТИ. БУ ҲАЛО-ВАТНИ УЛАРГА ФАҚАТ АЁЛ — ОНАГИНА БЕРА ОЛАДИ.

60-йиллар тўқимачилик қомбинатада номи машҳур бўлган бир аёл ҳақида ёзмоқчи бўлдим. 48 та даст-гоҳин бошиқарди, ҳозир фило-лог илм ҳисобига иштига-пти, дейиши менга. Катта у билан учрашмасдан аввал «Вақтдан ўзганлар» деб сар-лавҳа ҳам қўйиб қўйдим. Кейин суриштирсам оқилсиз жар ёқасига келиб қолган экан. Турмуш урғоти ича-гон, ёлтиз уели куча бола-сига айланган. Аёл раҳбар бўладими, ишчи бўладими, қаҳрамон бўладими, хонадо-нида ҳаловатни таъминламас экан, у ОНА бўла олмайд.

ОНАЛИК — БЕКИЕС БИР ИЖТИМОЙ МЕХ-НАТКИ, БУ МЕХНАТ ЖА-МИЯТГА СОҒЛОМ АВЛОД БЕРМОҒИ, ЖАМИЯТ-НИНГ ҲАЛОВАТИ, ТИНИЧЛИК-ОСОЙИШТА-ЛИГИНИ ТАЪМИНЛА-МОҒИ КЕРАК.

70 йил мобайнида биз ана шу мувозабатдан чиқиб кетдик. Иجتимой меҳнатга бир томонлама ёндошдик. Натихада аёл меҳнатинг эмас, ишлаб чиқаришнинг кишигига — темир хотинга айланиб қолди ва у дағалла-шиб, оиладан узоқлашди. Бу эса жамиятда қўлаб ўпи-рилмишларга олиб келди. Тар-бия, иймон-этиқод ва илм издан чиқди. Бу нарса ҳар бир соҳада ўз изини қол-дирди.

Биз мустақиллик арфа-сида шу аллоҳа ишлардик. Аҳли донишлар «бўёғи нима бўлган?» деб бош чапаллаб турган бир пайтда Аллоҳ юртимизга мустақиллик неъматини ато этди. Қалби-мининг тав-тубига яши-ринган гавҳарларимиз му-стақиллик шабобаларида яна қайта қалқиб чиқди.

Шахса эйтибди, имкони-ят, эркинлик берилса, у ни-маларга қодирлигининг гу-воҳи бўлди. Хууссан, бу-ғунги замон кишигига иш-билармонлик, талбиркорлик, ойлкорлик, топқирлик, ғайрат ва ташаббус жўш уратгани муҳаббатлик ша-рофатидандир. Шу бонс хо-тин-қизларнинг иجتимой ҳаёти давлат сийсати дара-жасига кўтариладан бежиз эмас. Мустақиллик иллари-да МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб I ва II дара-жаси «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Қўлаб иқтидорли уил-қиз-ларимиз чет элларда таҳсил кўрмоқчи. Ёшларнинг маъ-навий дунёси иймон-эти-қод ва илм билан бойиб, улар қомиллик сари инти-лишмоқчи. Энг қувончлиси,

ларни маънавий ишларига кўпроқ тортиш керак. Улар тўғри йўлни белгилаб ола-диган пайт келди. Бозор аёл-лари билан эса ўзига хос ёндошмоқ керак. Улар ора-сида нафс бандалари ҳавф-ли. Уттиз-қирқ йилдан сўнг бу тўғридан жамиятга қан-дай авлод қолади? Китоб ўқимайдиган, мактабни таш-лаб кетган, ўзини бозорга уриб, қандай йўл билан бўлмасин пул топишга ки-ришган болалар мана шундай оилаларда униб-ўсатирил-лар.

Мен ҳамма ёшларни би-лимсизликка, бекорчиликка айбламочки эмасман. Юр-тимиз фахри бўлган ёшлар бор. Улар мамлакатимиз шон-шарафини ҳатто чет элларда ҳам кўз-кўз қилмоқдалар. Аммо улар кўпайиши керак. Гап ёшларнинг маълум бир қатлами, аҳолининг маълум бир қатлами ҳақида кетмоқ-даки, уларнинг кейинчалик бориб, ҳаётга бефарқ, лоқайд қаровчи қимсаларга айланиб қолмишларидан қўрқаман.

Ҳозирда кўп оилаларда бўш вақт қандай ўтаркин? Ота-оналар болалари билан унда нималарни гаплашди-лар? Шундай ота-оналар бор-ки, фарзанди қаердан пул топиб келадигани билан иш-лари йўқ ҳисоби. Улар ки-тоб ҳақида сўх-баталашадилар-ми?


Илим ҳақида-чи? Хар ҳолда китобхон авлод қамайди назаримда. Би-лимсизлик, ду-ниёқараши илм тортиги, саёлиги одамга кўп панд беради. Аввало, бу нар-са инсонни жо-ҳилликка етак-лайди. Билми-сиз одамни ҳар хил йўлга бошлаш осон. Ҳозирги айрим ёшлардан китоб ҳақида, ўз юртида, жа-ҳонда қандай ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида сўрасан-гиз, билмайди. «Кутлуг қон-даги Йулчи билан «Бой ила хизматчи»даги Ғофирни фа-ржаиб олмайдми», Юнус Ра-жабий, ал-Фароғий қимли-гини билмайди-ю, илқандан-дай видеофильмлари, ота-наси, онаси шунча илм илаб тушунмаган нарсаларни улар тушунадилар, қурани. Майкл Жексон, Силвестер Сталоне, Шаррнегер, Алиша, Мадоина, Сандраларни тани-шди. Кабель телевидение-си, видеобар, дискотекалар-да соатлаб илаб кеткизиша-ди. Илмга, ҳунарга қизиқ-май, қандай бўлса ҳам энг сўнгги модала кийиниши,

ота-онаси даромади эвазига ми ёки бошқа йўл биланим, видеобарга тушиб кечалари селёк қорин уларнинг ҳаёт тар-зига айланади.

Узбек аёли фарзанди учун шунчалик фидойики, унга бир челақ суғиб кўтариш оғирлик қилар, аммо фар-зандини опичлаб, Ҳиротга-ча пиёда олиб бор деса, унда кудрат топа билди. Афсус-ки, баъзи оналардаги бу фи-дойилик арзимас ҳою ҳавас-ларга, туйдаги ошамдорлик-ка, бачкана обур олишларга сарф бўлиб кетади. Қани энди бу фидойилик бола-нинг тоғлом ўсиши учун, билим, ҳунар эгаллаши, тўғри тарбия олиши учун йўналтириб юборилса!

Кўшимнинг қизига сов-чи келди. «Қўёв нима иш қиларкин?» дедими қизиқиб. «Ҳозирги замон йигитлари бозорда-да, тирикчилиги бор экан, рўзгорини эпласа бўлди-да, бераверинг қизин-гизини», дейишди. Мен эса ҳозирги ҳузури эмас, ке-йинги 20-30 йил нарисини уйлайман. Масалан, 30 йил-дан сўнг бу йигит ким бўла-ди? Унинг болалари-чи? Ва

Кутби НОСИР қизи.



Чортоқдаги «Гулишар» санаторийи иш бошлашига ўн йилдан ошди. Утеан давр мобайнида сўхтағоҳда мишгаб юртдошларимиз ўзларининг саноатчиларини тикладилар. Сўхтағоҳ Чортоқнинг энг гўзал, энг баҳово жойида жойлашган-ли боис айни вақтда ҳам дам олувчилар билан тавжум.

СУРАТДА: дам олиш маска-ни бош шифокори Турсунбой Муродиллаев Сурхондарёдан келган дам олувчилар билан суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- А. ЖАББОРОВ,
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Жалқ сўзи»),
- Л. ПАК,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАҲХОДИЙ,
- И. ХУДОЕВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»),
- У. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимой-сўсий ҳаёт — 133-57-34;
- Хуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодиёт — 136-36-65;
- Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
- Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва иجتимой масалалар — 132-12-08;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001

Буюртма Г — 0726, 23709 нумрада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томондан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Набатчи — М. ХОЛМАТОВА. Мусахҳач — Ш. МАНРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00 топирилади — 21.10

1 2 3 4 5 6

АКШДА ТАДҚИҚОТ ЎТҚАЗИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати АКШ Аҳборот агентлиги билан ҳамкорликда ўзининг янги дастурини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастур очиқ танловда грантлар олиш имконини беради ва қуйидагига номланади:

«Озоодликни қўллаб-қувватлаш амали бўйича долзарб муаммолар» (Freedom Support Act Fellowships in Contemporary Issues).

Дастур АЙРЕКС (Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айирбошлаш кенгаши) томонидан ўтказилади. АЙРЕКС икки томонлик йўл ҳаражатларини, янаш жойи, стипендия, АКШ университетларининг бирита жойлашини ҳамда виза ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларни ўз зиммасига олади.

Бу дастур ўзбекистонлик мутахассислар учун 4 ой давомида АКШда илмий тадқиқотларни ўтказиш ва зарур малакаларга эга бўлиш учун ажойиб имкониятдир. Тадқиқот мавзуслари иجتимой-гуманитар фанларнинг турли соҳаларига оид бўлиши мумкин, аммо уларнинг барчаси Ўзбекистондаги маълум долзарб иجتимой, сўсий ва иқтисодий муаммоларга қаратилиши лозим. Барча номзодлар Ўзбекистонда эркин бозор, демократия ва фуқаролик жамияти қурилишларида банд бўлишлари, мутахассис сифатида танланган бўлишлари, шунингдек, илмий тилини билдишлари керак. Иштирокчиларнинг ёши 25 дан 55 ёшгача бўлиши шарт.

Тилга олинган дастурга оид маълумотлар ва ариза ыарақаларини Халқаро тадқиқот ва олимларни айирбошлаш кенгашининг (АЙРЕКС) офисида, Тил ва маслаҳат марказларининг Тошкент, Наманган, Нукуе, Бухоро ва Самарқанддаги ваколатхоналарида ёки бизнинг Интернетдаги варақамиздан (<http://www.irex.org>) олишингиз мумкин.

Тошкентдаги АЙРЕКС ваколатхонаси: Шодлик кўчаси, 6, (1-қават)да жойлашган.

Кўшимча маълумот учун телефон: (998 712) 67-52-58.

Дастур бўйича талабнома топириш мuddати: 1999 йил 26 ноябрь соат 17.00 гача.

Радио алоқа тизимлари бепул эфир

«Ўзбекнефтегаз» Милли холдинг компаниясининг жамоаси «Ўзбурнефтегаз» акционерлик компаниясининг бош директори Устам Ероғва отаси Бўстон ака ЕРОВАнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқаро Шароф Рашидов фонди марказий кенгаши хайъати ва жамоасини марказий кенгаш раиси Исмом Ҳакимович Жўрабековга волидан муқтарамалари

ҲОЖАР анинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ҳақон иқтисодиёти ва дипломатия университетини жамоаси «Фалсафа ва жаҳон маданияти» кафедрасининг мудири Кўчқор Хоназаровга акаси Жўра ХОНАЗАРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзгеогазгазқизилқармиш» ХК жамоаси «Ўзбурнефтегаз» ХК бош директори Устам Ероғва отаси

Бўстон ЕРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Усувтаъмирқойдаланиш» республика бирлашмаси Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Зоир Ҳакимович Жўрабековга онаси

ҲОЖАР анинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тел.: (3712) 78-54-70; 78-41-07; Факс: 78-05-03.

«Ўзбекнефтегаз» Милли холдинг компаниясининг жамоаси «Ўзбурнефтегаз» акционерлик компаниясининг бош директори Устам Ероғва отаси Бўстон ака ЕРОВАнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқаро Шароф Рашидов фонди марказий кенгаши хайъати ва жамоасини марказий кенгаш раиси Исмом Ҳакимович Жўрабековга волидан муқтарамалари

ҲОЖАР анинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ҳақон иқтисодиёти ва дипломатия университетини жамоаси «Фалсафа ва жаҳон маданияти» кафедрасининг мудири Кўчқор Хоназаровга акаси Жўра ХОНАЗАРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзгеогазгазқизилқармиш» ХК жамоаси «Ўзбурнефтегаз» ХК бош директори Устам Ероғва отаси

Бўстон ЕРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Усувтаъмирқойдаланиш» республика бирлашмаси Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Зоир Ҳакимович Жўрабековга онаси

ҲОЖАР анинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.